

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти  
агентлигининг ҳудудий бошқармалари тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигини ташкил этиш тўғрисида” 1998 йил 11 июлдаги 296-сон ва “Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” 2017 йил 25 апрелдаги 238-сон қарори асосида ишлаб чиқилган.

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликларининг Йўловчи транспортини барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментлари фаолиятини инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бошқармаларига ушбу Низомнинг 7, 8 бандларидаги “Йўловчи ташишни лицензиялаш, ташиш йўналишларини тендер асосида жойлаштириш механизмларини жорий этиш, тендер ташкилотчилари ишларини мувофиқлаштириш” вазифалари тегишли эмас.

Бошқармаларга дарё транспорти билан боғлиқ юклатилган вазифа ва функциялар Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилояти бошқармаларига тегишли.

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда-бошқарма деб аталади) таркибий ва институционал ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш, хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш учун махсус ваколат берилган давлат бошқаруви органининг бошқармаси ҳисобланади.

Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига ҳисобот беради.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентликнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Бошқарма ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органларининг ҳудудий тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бошқарма юридик шахс ҳисобланмайди. Меҳнат ҳақини тўлаш ва хизмат сафари билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар учун маблағларни субсчётдан олишдан ташқари молия операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

Бошқарма ўзининг хос иш қоғозига, давлат тилида ўз номи ёзилган муҳр ва бурчак штампига эга бўлади.

6. Бошқарманинг моддий-техника таъминоти, шунингдек ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, Агентлик томонидан тасдиқланган даромадлар ва ҳаражатлар сметаси доирасида, лицензиялар берганлик учун давлат божидан, лицензия бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиққанлик учун йиғимлардан ажратмалар, сузиш воситаларини ҳисобга кўйганлик ва техник кўриклар ўтказганлик учун тўланган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

## **II. Бошқармаларнинг вазифалари ва функциялари**

7. Қуйидагилар бошқармаларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчи ташишни ташкил этиш ва такомиллаштириш шунингдек автомобилда ташувлар ва автомобиль транспорти объектлари хавфсизлигини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришда иштирок этиш, бошқарув органлари ва ҳўжалик субъектлари томонидан уларга риоя этилишини назорат қилиш;

б) иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг ташувларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришнинг комплекс дастурларини, шунингдек автомобиль транспорти хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жамоат автомобиль транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш;

в) Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш транспортдан ташқари, шаҳар йўловчи, автомобиль ва дарё транспорти соҳасида ташувчиларнинг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун қонунда белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбурияти бажарилишини назорат қилиш;

г) автомобиль ва дарё транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш, автотранспорт хизматлари сервисини кенгайтириш;

д) автомобиль ва дарё транспорти соҳасида ягона техника сиёсатини ўтказиш;

е) автомобиль транспортида йўловчилар ва юклар ташийдиган автотранспорт воситаларида лицензия карточкаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

ж) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автоомбилда халқаро ташувлар шартларига риоя этилиши назорат қилиш (Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари);

з) ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимига риоя этилишини назорат қилиш;

и) автомобиль транспортида юк ва йўловчилар ташишни лицензиялашни ташкил этиш, лицензиялар томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилишини назорат қилиш;

к) автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро, ҳамда дарё транспортида фаолият юритаётган ташувчиларнинг кадрларини ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

л) бошқарма ишини такомиллаштириш мақсадида бошқа бошқармалар билан тажриба алмашиш;

м) Агентлик марказий аппаратига ўз вақтида ва сифатли ҳисобот ҳужжатларни тақдим этиш (Агентлик томонидан белгиланган муддатларда ва шаклларда);

н) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш;

о) маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига сафарбарлик вазиятида ва фавқулодда вазиятларда автомобиль транспорти махсус бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиришда кўмаклашиш;

п) автомобиль транспорти соҳасида фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситалари таркиби, унинг таркибий тузилиши, шунингдек фуқаро муҳофазаси тузилмаларини бошқа вазифаларини белгилаш, юклатилган вазифаларни бажариш, уларни мувофиқлаштириш ҳамда амалга оширилаётган тадбирларни ташкил этиш ва назорат қилиш;

р) ходимлар меҳнатини ва дам олишини тўғри ташкил этиш, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш.

8. Бошқармалар ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1. автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва такомиллаштириш, шунингдек автомобилда ташувлар ва автомобиль транспорти объектлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш соҳасида:

а) автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этади, бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

б) автомобиль ва дарё транспортдан фойдаланиш соҳасида халқаро шартномаларни ишлаб чиқишда қатнашади;

в) Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқа давлатлар маъмуриятлари ва тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда иштирок этади;

г) автомобиль ва дарё транспорти, шу жумладан автомобиль ташувлари хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини норматив базасини такомиллаштириш, амалдаги халқаро автомобиль йўлакларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг янгиларини барпо этиш бўйича таклифларни киритишда қатнашади;

д) вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, дастурлар, шунингдек тармоқларини ривожлантириш бўйича бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг Агентлик фаолиятига оид қисмини эксперт баҳолашда иштирок этади;

2. иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг юк ва йўловчи ташишга эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобиль транспортини ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

а) автомобиль транспортини ривожлантириш комплекс дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

б) жамоат автомобиль транспорти фаолиятини мувофиқлаштиради;

в) автомобиль транспорти соҳасида давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш, назорат қилишга таалуқли бўлган вазифалар ва функциялар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, автомобиль транспортини ривожлантириш концепциялари ва комплекс дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

г) шаҳар йўловчи транспортини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишдаги масалаларни ҳал этади.

д) автомобиль транспортида фаолият кўрсатиш учун лицензиялар бериш, йиғимлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағларни келиб тутиши бўйича жорий ва узоқ муддатли истиқбол режаларини ишлаб чиқади;

3. автомобиль ва дарё транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш, автотранспорт хизматлари сервисини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш соҳасида:

а) ташувлар йўналишларини тендер бўйича амалга ошириш механизмларини жорий этади, йўловчиларнинг сифатли ва хавфсиз ташилишини таъминлаш учун мақбул шароитларни назарда тутадиган шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро ташиш йўналишларида хизмат кўрсатиш ҳуқуқига тендер контрактлари ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, тендерлар ташкилотчилари ишини мувофиқлаштиради

б) автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларга риоя этилиши, йўловчилар ташиш йўналишларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига тендер контрактлари шартларини бажариш, ташувчилар томонидан белгиланган графиклар, жадваллар, ташиш тарифларига риоя этилишини тизимли назорат қилишни ташкил этиш;

в) ташувчиларнинг ташиш йўналишларидаги фаолиятини, тендер шартномаларини бажарилишини, йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилади;

г) давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларидан ва аҳолидан шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчи ташиш йўналишлари бўйича таклифларни йиғади, ташиш йўналишлари ҳужжатларини тайёрлайди;

д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг жойлардаги молия бошқармалари билан биргаликда автомобиль транспорти хизматлари учун тариф сиёсатини шакллантиради;

4. Ягона техника сиёсатини ўтказиш соҳасида:

а) халқаро нормаларни ҳисобга олган ҳолда автомобиль ва дарё транспортида ташишлар бўйича фаолиятни тартибга солиш стандартлари, қоидалари, шакллари ва усуллари юзасидан маълумотларнинг ягона ахборот базасини шакллантиришда, илмий-техник ишларни олиб боришда иштирок этади;

б) сувда кишиларнинг ҳаёти қўриқланишини ва кемалар сузиши хавфсизлигини таъминлайдиган кемалар ва сузиб юрувчи воситаларни лойихалаштириш, улардан фойдаланиш, таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш талаблари бажарилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилишни ташкил этади ва амалга оширади;

в) фойдаланилаётган кемалар сузиб юрувчи воситаларни таснифлайди, техник кўриқдан ўтказди, Регистр Қоидалари ва шунингдек кемалар ва сузиб юрувчи воситаларни техник ишлатиш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлашга доир бошқа норматив ҳужжатлар талаблари бажарилишини назорат қилади;

г) кемаларга ва сузиш воситаларига малака гувоҳномалари, сузишга яроқлилик тўғрисидаги гувоҳномани, нефть, оқова сувлар ва чиқинди билан ифлосланишининг олдини олиш тўғрисидаги гувоҳномани ҳамда Регистр Қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни беради;

д) автомобиль ва дарё транспортида хавфли юклар, қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмлар шунингдек ҳарбий контингентлар транзити амалга оширилганда эксперт хулосалар беришда иштирок этади;

е) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда автомобиль транспортида фаолиятини лицензиялашни, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этади, лицензиялар реестрини юритади;

ж) автомобиль ва дарё транспортида кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишда қатнашади;

з) давлат божхона хизматлари органлари вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда халқаро автомобилларда ташувларни амалга оширишда рухсат бериш тизимида риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

и) бошқарманинг инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 146<sup>1</sup>, 165, 176<sup>3</sup>, 176<sup>4</sup>, 198-моддасида назарда тутилган автомобилларда ташув соҳасида ҳуқуқбузилишлар тўғрисидаги баённомани тузадилар. (юрисдни варианты)

к) ИИБ ЙХХББ ва ДСҚ бошқармалари вакиллари билан биргаликда кўшма рейдлар ўтказадилар;

л) тендер талаб ва шартларини бажарилишини назорат қиладилар.

### **III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

9. Бошқарма ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга;

ўзининг вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган автомобиль ва дарё транспорти соҳасидаги ахборотни, юридик ва жисмоний шахслардан сўраш ва олиш;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали ва қисқа муддатли текшириш;

лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликни бажариш учун чоралар кўришга, аниқланган лицензия талаблари ва шартларининг бузилишларини бартараф этишга лицензиатларни мажбур қилувчи қарорларни қабул қилиш, камчиликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

текшириш натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларини бузилишлари кўрсатилган ҳолда протокол тузиш;

шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишлари бўйича ташиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар ва лицензия карточкаларнинг амал қилинишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш;

халқаро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилинишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш бўйича Агентликка таклифлар киритиш;

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш транспортидан ташқари шаҳар йўловчи, автомобиль ва дарё транспорти соҳасида ташувчиларнинг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун қонунда белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбурияти бажарилмаганлиги учун айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиш ҳақида суд органларига тақдимномалар киритиш;

ҳудудида автомобиль ва дарё транспорти фаолиятига тегишли масалалар юзасидан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига ҳамда хўжалик бошқаруви органларига, шунингдек корхона ва ташкилотларга мурожаат қилиш;

автомобиль транспортида фаолият кўрсатиш учун бериладиган лицензиялар билан ташувчиларни тўлиқ қамраб олишни ташкил этишда кўмаклашиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаат қилиш;

бошқарма фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бошқа бошқармаларнинг кўрсаткичлари ва иш услублари ҳақида маълумотларни сўраб олиш;

йўловчилар ташишни ташкил этувчи ҳудудий комиссияларга, тендер шартномалари талабларини бажармаётган айрим ташувчиларни, ташув йўналишида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида таклифлар киритиш;

автомобиль ва дарё транспортидан фойдаланиш қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиш тўғрисида давлат органларига таклифлар киритиш;

автомобиль ва дарё транспортида йўловчилар ва юк ташувлар қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида автобусларда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларга риоя этилиши юзасидан назоратда қатнашиш учун шартнома асосида мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

йўловчиларни ташишни ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссиялардан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликларининг йўловчилар ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатларини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментларидан ҳамда шаҳар йўловчилар ташиш транспортини бошқариш бўйича махсус ваколатли органлардан йўловчилар ташиш йўналишлари иши масалалари бўйича ахборотларни сўраш ва олиш;

фойдаланишда бўлган, қайта жиҳозланаётган ва таъмирланаётган кемаларни шаҳодатлаштиришдан ўтказиш, кемалар ва сузиш воситаларидан тўғри фойдаланилиши, уларнинг табелда қайд этилган таъминот ва инвентарь билан бутланганлиги, улар томонидан сузиш ва фойдаланиш хавфсизлиги таъминланиши бўйича қоидалар ва талаблар бажарилиши, кемалар сузадиган йўллар ва кемалар сузадиган вазиятнинг ҳолати устидан назорат қилиш, экипажнинг билимларини текшириш;

кема ҳужжатларининг амал қилиш муддати тамом бўлганда, кемалар малакали экипаж билан бутланмаганда, бортда авария-қутқариш, ёнғинга қарши инвентарь мавжуд бўлмаганда, сузиб юрувчи қурилмаларда одамларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи нуқсонлар пайдо бўлганда, кемалардан фойдаланиш, ёнғинга қарши ва санитария хавфсизлиги қоидалари талаблари бузилганда кемалар ва сузиб юрувчи қурилмалардан фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақиқлаш;

агар сузиш воситаларининг ҳолати сузишнинг ва фойдаланишнинг ёки сузиш воситаларининг хавфсиз тўхтаб туришини таъминланмаса, улардан фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақиқлаш;

хавфсиз сузиш шароитларини, одамларнинг ҳаёти муҳофаза қилинишини, ички сув йўлларида юкларнинг ишончли ташилишини, кемалардан ифлосланишининг олдини олишни таъминловчи сузиш воситаларига қўйиладиган техник талабларни белгилаш, ушбу талаблар бажарилишини техник назорат қилиш, сузиш воситалари таъмирланаётган даврда чиқариладиган Регистр Қоидалари асосида уларни таснифлаш, кўриқдан ўтказиш ва назорат қилиш;

хорижий ва миллий юк ва йўловчи ташувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг автомобиль ва дарё транспорти соҳасидаги халқаро шартномаларининг асосий шартлари муддати тугаган ва муддатидан олдин тугатилган лицензия, лицензия қарточкаларини ҳисобдан чиқаради, ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### **IV. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш**

11. Бошқармага, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига кўра агентлик бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошчилик қилади.

12. Бошқарманинг намунавий тузилмаси ва ходимларнинг чекланган умумий сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади.

Агентлик бошлиғи, ходимларнинг тасдиқланган чекланган сони ва таъминот харажатлари сметаси доирасида бошқарманинг тузилмасига ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

13. Бошқарма қарорлари буйруқ шаклида қабул қилинади.

14. Бошқарма бошлиғининг иш тажрибаси, компетенцияси ва бошқа сифатлари ҳисобга олинган ҳолда, Агентлик буйруғи билан бошқармага, унинг бошлиғи тимсолида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 15-моддасига мувофиқ, иш берувчи ҳуқуқи берилиши мумкин.

Айни пайтда, бошқарманинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тўловлар ва ушлаб қолишлари (устама тўловлар, пул мукофотлари, меҳнат таътили учун тўловлар, меҳнат шартномаси бекор қилингандаги компенсация тўловлари, интизомий жазо сифатида қўлланилган жарималар ва бошқалар) бўйича қабул қилган буйруқлари Агентлик бухгалтерияси учун юқорида кўрсатилган тўловлар ва жарималар бўйича асос бўлади.

15. Бошқармадаги сектор мудир, кадрлар бўйича бош мутахассис, етакчи бухгалтер, юрисконсульт ва АКТ бўйича мутахассис лавозимларига ходимларни ишга қабул қилишини, Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Автомобилда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан назорат шўъбаси ходимлари Агентликнинг конкурс комиссияси йўлланмаси асосида ишга қабул қилинади.

16. Бошқармани тугатиш ёки қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.